O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 3 апрель, № 65 (4980) Шанба

## Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Кенгашининг ўн олтинчи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2010 йил 2 апрель куни Тошкент шаҳрида (Ўзбекистон Республикаси) Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШҲТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги ўн олтинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этди.

ШҲТ МАТТ Кенгаши 2010 йилнинг март ойида Россия Федерациясида содир этилган ва кўплаб инсонларнинг қурбон бўлишига олиб келган террорчилик ҳаракатларини кескин қоралади ва ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризмга қарши кураш йўлидаги ҳамкорлик ҳаракатларини янада кучайтириш зарурлигини баён қилди.

ШҲТга аъзо давлатларнинг 1941 — 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 65 йиллигини нишонлашга бағишлаб Россия Федерациясида ўтказиладиган тадбирлар хавфсизлигини таъминлашда Россия Федерациясига, ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг Тошкент шаҳрида бўладиган навбатдаги мажлиси хавфсизлигини таъминлашда Ўзбекистон Республикасига ёрдам кўрсатиш бўйича комплекс чора-тадбирлари маъқулланди.

Мажлисда ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси директори Д. Жуманбековнинг ШҲТ МАТТ Кенгаши қарорларини ижро этишнинг бориши, ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш бўйича 2007 — 2009 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурининг амалга оширилиши тўғрисидаги ахборотлари тингланди, ШҲТ МАТТ Кенгашининг ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашига тақдим этадиган ШҲТ МАТТнинг 2009 йилдаги фаолиятига доир ҳисоботи лойиҳаси маъқулланди. Мажлис қатнашчилари терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш соҳасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш масалаларини муҳокама қилдилар. ШҲТ МАТТ фаолияти терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш соҳасида замонавий таҳдид ва хавф-хатарларни бартараф этиш талабларига тўла жавоб бериши таъкидланди.

Терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашдаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида ШҲТга аъзо давлатлар тегишли органлари вакиллари иштирокида терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш соҳасига оид тезкор ахборотлар алмашиш учун мунтазам равишда мажлислар ўтказиб боришга, шунингдек, йирик халқаро терроризм ташкилотларидан бирининг ғайриқонуний фаолиятига қарши ҳамкорликдаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш масалалари бўйича гуруҳ ташкил этишга қарор қилинди.

ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш бўйича 2010 — 2012 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурини амалга ошириш мақсадида 2010 йилда Россия Федерацияси ҳудудида ШҲТга аъзо давлатлар тегишли органларининг қўшма антитеррор машқларини ўтказиш тўғрисидаги таклиф қўллаб-қувватланди.

ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитасининг ўтган даврдаги фаолияти ижобий баҳоланди.

Кенгаш ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси фаолиятини ташкилий, кадрлар ва молиявий таъминлашга ҳамда ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашдаги ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштиришга доир масалалар юзасидан қатор қарорлар қабул қилди.

ШҲТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлисини 2010 йилнинг сентябрь ойида Олмаота шаҳрида (Қозоғистон Республикаси) ўтказишга келишиб олинди.

Кенгаш мажлиси ишчанлик, амалий ва дўстона руҳда ўтди.

**(ЎзА).**

# МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ЭЪЗОЗДА

***Она заминимиз узра кўклам ўз сепини ёйган шу кунларда Наврўз шукуҳи диллардан-дилларга кўчмоқда. Қиру адирлар, дашту далалар гўзалликка, кўркамликка бурканган. Оппоқ бўлиб гуллаган дарахтлар, замин бағридан бўй кўрсатган майсалар — буларнинг барча-барчаси қалбларни нафосатга, гўзалликка ошуфта этади.***

**Ғурур**

Шўрчилик моҳир каштадўз Ихлим Тошбоеванинг қўлида сайқал топган бежирим кашталар ҳам кўклам жозибаси ва жилоси билан уйғун. Улар сифати, пишиқлиги, нақшларга бойлиги билан ажралиб туради. Шу боис унинг маҳорати юртимиз миқёсида ўтказилган кўплаб танловлар ва ижодий кўргазмаларда эътироф этилмоқда. Жумладан, ҳунарманд ўтган йили "Ташаббус" республика танловида ҳам муваффақиятли иштирок этиб, алоҳида эътирофга сазовор бўлди.

Таъкидлаш жоизки, Ихлим опа қарийб ўттиз беш йилдан буён ушбу ҳунар сир-асрорларини пухта ўрганиб келмоқда. Айниқса, Истиқлол шарофати билан каштачиликнинг 100 дан зиёд қадимий намуналарини қайта тиклашга муваффақ бўлди, уларга янгича сайқал, жило берди.

— Мен бу ҳунарни момоларимиздан ўрганган эдим, — дейди каштадўз. — Бугунга келиб кашта тикишни янада оммалаштиришга ҳаракат қилаяпман. Айни пайтда 50 дан ортиқ шогирд тайёрладим. Улар миллий қадриятларимиздан бирига айланган каштадўзлик ҳунарининг бардавомлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.



**СУРАТДА:** И. Тошбоева (ўртада) шогирдлари билан.

**Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.**

# РАҒБАТ ВА ЭЪТИБОРДАН МАМНУНМИЗ

***Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ишлар замирида униб-ўсиб келаётган ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялаш, пировардида аҳоли саломатлигини асрашдек эзгу мақсад мужассам.***

Спортнинг оммавийлигини ошириш, айниқса, қизларни жисмоний етуклик машқларига кенг жалб қилишда аёл спорт мураббийларининг фаол иштирокини таъминлашга алоҳида аҳамият берилаётгани бизга юксак ғурур ва ифтихор бағишлайди. Давлатимиз раҳбарининг кеча матбуотда эълон қилинган "Қишлоқ жойлардаги болалар спорти объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини ўқиб, шу соҳа вакиллари сифатида барчамиз жудаям хурсанд бўлдик.

Ота-она фарзанд камолини кўриб, қанчалик қувонса, биз, устозлар ҳам шогирдларимизнинг ҳар бир ютуғидан шунчалик фахрланамиз. Айтиш жоизки, болаларимиз иқтидор борасида ҳеч кимдан кам эмаслар.

**Дил сўзи**

Улар қобилиятини вақтида аниқлаб, истеъдодини рўёбга чиқариш айнан устозлар зиммасидаги улкан масъулиятдир. Ана шуни доимо чуқур ҳис қилиб, билдирилаётган ишончни оқлаш учун бор куч ва имкониятимизни ишга солмоқдамиз. Бунинг учун шароитларимиз ҳам етарли. Масалан, бизнинг Исковот қишлоғидаги замонавий спорт мажмуаси бугун ёшларимизнинг севимли масканига айланиб қолган. Жамоамизда уч нафар аёл мураббий меҳнат қилади. Биз, айниқса, қизларни спортга жалб этиш ишларига ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз. Волейбол бўйича вилоят терма жамоаси асосини ташкил этувчи исковотлик қизлар бугун ажойиб ютуқларни қўлга киритишмоқда. Улар ўтган йили мамлакат чемпиони, деган шарафли номни қўлга киритишди. Уч нафар волейболчи қизимиз эса республика терма жамоаси таркибида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилишаяпти. Бундан ташқари, футбол, қўл тўпи, курашнинг оммавийлигини таъминлашда ҳам ҳамкасбларимнинг алоҳида хизматлари бор. Умуман олганда, бугун вилоятимиз қишлоқларидаги спорт объектларида меҳнат қилаётган 126 нафар аёл спорт устозлари ҳақида илиқ гапларни айтиш мумкин.

Юртбошимиз қарори қишлоқда спортни янада оммавийлаштириш, болалар ва ўқувчи-ёшлар билан ишлаш учун аёллар орасидан юқори малакали, профессионал тайёрланган устоз кадрларни кенг жалб этиш, улар меҳнатини моддий рағбатлантиришни кучайтириш юзасидан долзарб вазифаларни қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир. Чунки меҳнат ва маҳоратга бўлган эътибор, унинг муносиб қадрланиши кишида янгидан-янги марралар сари рағбат уйғотади. Бунга жавобан бутун куч-ғайратимизни ёшларни жисмоний камолга етказишдек шарафли вазифага янада кўпроқ сафарбар этамиз.

**Нозима ЁҚУБЖОНОВА,**
**Янгиқўрғон тумани, Исковот қишлоғидаги болалар спорт мажмуаси мураббийси.**

# Гепатология масалаларига бағишланди

**Тошкентда гепатобилиар тизимлар касалликларининг репродуктив саломатликка таъсири, бундай хасталикларни аниқлаш ва даволашдаги янгича ёндашувларга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда соҳа олимлари, мутахассислар ва фармацевтика саноати ишлаб чиқарувчилари иштирок этди.

Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази директори С. Султонов аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофазалаш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналиши эканини алоҳида таъкидлади.

**(Давоми 2-бетда).**

# ФЕРМЕР АЁЛЛАР ЎҚУВИ

***Хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш, ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида ўтказилаётган тадбирлар ўз самарасини бермоқда.***

Қорақалпоғистон Республикаси, Чимбой туманида фермер аёллар ўқув-семинари ўтказилди. Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси, фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда "Ташаббускор аёл" маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу семинарда Тахтакўпир, Қораўзак, Чимбой ва Кегейли туманларидан ташриф буюрган фермер аёллар иштирок этди.

Семинарда тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, тижорат банклари, солиқ тизими мутахассисларининг фермер хўжаликлари фаолиятини юритишнинг ҳуқуқий асослари, банклардан имтиёзли кредит маблағлари олиш қоидалари, меҳнат шартномасини тўғри тузиш ва бажарилишини таъминлаш масалаларига бағишланган маърузалари тингланди. Амалий машғулотда фермер хотин-қизлар ўзаро тажриба алмашдилар.

— Аёлларимиз бугун ҳар ишда фаол, — дейди Чимбой тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулбаҳор Бойжонова. — Ҳозир туманимиз бўйича 400 нафардан ортиқ хотин-қиз тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Мавжуд 270 фермер хўжалигининг 30 тасига хотин-қизлар раҳбарлик қилиб, пахта, буғдой, полиз-сабзавот, чорвачилик, асаларичилик ва паррандачилик маҳсулотлари етиштирмоқда.

Ўқув-семинар якунида тингловчиларга махсус сертификатлар топширилди.

**А. ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

***Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида қонунлар ижроси мониторинги муаммоларини ўрганиш ва бу тизимнинг қонунчилик ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришдаги ролини оширишга бағишланган "Қонунлар ижроси мониторинги: назария ва амалиёт масалалари" мавзуида анжуман бўлиб ўтди.***

# ҚОНУН ИЖРОСИ МОНИТОРИНГИ

## ҳуқуқий ислоҳотларимизнинг такомиллашувига хизмат қилади

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида белгиланган қонунчилик фаолиятининг ва қонун ҳужжатлари ижроси механизмининг устувор йўналишларига мувофиқ ташкил этилди. Унда депутатлар, Сенат аъзолари, ижро ҳокимияти вакиллари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, адвокатура, нодавлат нотижорат ташкилотлари масъул ходимлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида қонун ҳужжатлари мониторинги масалалари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг амалий ижроси билан боғлиқ муаммолар муҳокама қилинди.

**Анжуман**

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда мустақиллик йилларида қонун ҳужжатлари мониторинги тизимини самарали ташкил этиш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилди. Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш маркази, Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ташкил этилди. Парламент палаталари, прокуратура ва ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан амалга ошириладиган қонунлар ижроси устидан назорат тизими шакллантирилди. Шунингдек, тадбирда қонун ҳужжатлари мониторинги борасидаги фаолият сифатли қонунлар яратилишига ва уларнинг самарали ижро этилишига хизмат қилаётганлиги алоҳида айтиб ўтилди. Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори Ш. Файзиев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов, парламент юқори палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси М. Хўжамбердиев ва бошқалар сўзга чиқиб, қонун ҳужжатлари мониторинги ҳамда қонунлар ижросини самарали таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида таҳлилий маълумотларни баён қилишди.

Таъкидландики, парламент тизими ислоҳ этилиши натижасида мониторинг илмий-амалий институт сифатида миллий қонунчилик тизими ва давлат ҳокимияти, бошқарув органлари, корхона, муассаса ҳамда ташкилотларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида муносиб ўринни эгаллади.

**(Давоми 2-бетда).**

# ЭЛ СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

***Мамлакатимизда аввалги акушерлик-фельдшерлик пунктлари ўрнига замонавий талаблар даражасида жиҳозланган***

**3127** **та қишлоқ врачлик пунктларини қуриш ва ишга тушириш бўйича 1996 йилда бошланган улкан дастурий вазифа ниҳоясига етди.**

Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида бошланган ҳамда изчил равишда давом эттирилаётган кенг қамровли ислоҳот ўзининг юксак самараларини бермоқда. Қишлоқлардаги аҳоли шаҳардагидан қолишмайдиган сифатли даражадаги тиббий хизматдан баҳраманд бўлаётир.



**Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, кичик бизнес вакилларига давлатимиз томонидан қатор имтиёз ва имкониятлар яратиб берилаётгани юртимиз иқтисодиётининг юксалишига ва натижада аҳоли турмушининг янада фаровонлашувига хизмат қилаётир.**

# ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИЯТ

Сир эмас, ҳозирда айрим сабабларга кўра фойдаланилмай бўш турган бинолар, майдонлар талайгина. Шу боис уларни аниқлаш, хатловдан ўтказиш ва талабгорларга шартнома асосида ижарага беришга эътибор қаратилаётир. Натижада тайёр бино ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш учун қулай майдонларга эга бўлаётган ишбилармон юртдошларимиз янги иншоотларни тиклаш учун сарфланиши талаб этиладиган маблағларни энг илғор жиҳозлар харид қилиш, корхонани техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирмоқда. Бу эса тадбиркорларимизга ўз фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантиришда қўл келаётир.

Андижон вилоятидаги "Шаҳрихон гиламлари" фирмасини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Корхонада ана шундай имтиёзлардан унумли фойдаланиб, фаолиятни кенгайтиришга эришилмоқда. Гап шундаки, бир вақтлар собиқ ширкат хўжалигининг маъмурий биноси бўлган иншоотнинг биринчи қаватига "Шерқўрғон" маҳалла фуқаролар йиғини жойлашган бўлса, иккинчи қаватини тадбиркор Одилжон Мўминов ижарага олиб, бу ерда гилам тўқишни йўлга қўйди.

— Сифати, бежиримлиги Хива гиламларидан қолишмайдиган рақобатбардош маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни мақсад қилган эдик, — дейди тадбиркор. — Бунинг учун, энг аввало, бино зарур эди. Аммо янги бинони тиклаш учун имкониятларимиз етарли эмасди. Шундай пайтда мазкур бинони ижарага олиб, иш юритишни таклиф қилиб қолишди. Бу фаолиятимизни бошлаш учун жуда қўл келди. 40 та дастгоҳ ўрнатдик. Ҳар бирига икки нафардан тўқувчини бириктирдик. Қишлоғимиздаги 80 нафар хотин-қиз ишли бўлди. Бугун улар томонидан тўқилаётган гиламларнинг бозори чаққон, харидори бисёр.

Қўрғонтепалик тадбиркор Шуҳратбек Холматов автокорхонанинг бўш турган биносини паррандаларни парваришлашга мослаштирди. Укаси Улуғбек, ўғли Беҳзодбек, яқинлари Собиржон Йўлбарсов, Маҳмуджон Иброҳимовни ёнига олиб, минг бош парранда келтирди. Натижада ҳувиллаб ётган ҳовлида ташкил этилган фермадан мўмай даромад олина бошлади. Ҳозирга келиб бу ердаги паррандалар сони яна 10 минг бошга кўпайди.

**Ислоҳот**

Юртимизда тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани, мулкдорлар ҳар тарафлама қўллаб-қувватланаётгани боис уларнинг сафи тобора кенгайиб бориши баробарида, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортмоқда. Кўплаб янги иш ўринлари яратилаётир. Шу ўринда тумандаги "Серфайз келажак" фермер хўжалиги фаолиятини олиб кўрайлик. Паррандачилик йўналишидаги бу жамоа ишни ўн минг бош наслли жўжани парвариш қилишдан бошлаган эди. Ҳамқишлоқларидан 8 нафари ишга таклиф қилинди. Қисқа вақт ичида 500 минг дона тухум истеъмолчиларга етказиб берилди. Ака-ука тадбиркорлар эндиликда паррандалар сонини йигирма минг бошга етказиш ниятида.

Давлат мулк қўмитасининг вилоят бошқармаси ҳузуридаги давлат мулкларини ижарага бериш маркази унитар корхонаси томонидан маҳаллий ҳокимликлар, корхона ва ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари билан ҳамкорликда фойдаланилмаётган, бўш турган иншоотларни, асбоб-ускуналар, жиҳозлар ҳамда хоналарни ижарага бериш юзасидан хатлов ўтказилди. Натижада қарийб 7773 квадрат метрдан иборат майдонларнинг ҳамда 59 та иншоотнинг бўш турганлиги маълум бўлди. 2840,4 квадрат метрни ташкил этган 28 та иншоот юридик ва жисмоний шахсларга шартнома асосида ижарага берилди. Бу иншоотлардан омборхона, алоқа, компьютер ва интернет хизмати, дорихона, ишлаб чиқариш корхоналари, ошхона, савдо ва сервис хизмат кўрсатиш шохобчалари сифатида фойдаланилмоқда.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, аҳолининг иш билан бандлиги, турмуш даражаси ва сифатини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Чунончи, жорий йилнинг дастлабки ойида илгари давлат рўйхатидан ўтказилган ижара шартномаларидан 278 таси қайта рўйхатга олинди. Давлат ҳамда нодавлат ташкилотлар, корхоналарга қарашли бўлган 75 та иншоот ижарага берилди. Айни кунда бу борадаги ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ҚОНУН ИЖРОСИ МОНИТОРИНГИ

## ҳуқуқий ислоҳотларимизнинг такомиллашувига хизмат қилади

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хусусан, ўтган беш йиллик фаолият мобайнида Институт томонидан қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш ва қабул қилишнинг барча босқичларида 623 та эксперт баҳолари ва хулосалар тайёрланган. Ўзбекистон Республикасининг 24 қонуни ижроси юзасидан мониторинглар ўтказилган, янги қонунлар моҳиятини кенг тушунтириш ҳамда миллий ва хорижий тажрибани қиёсий таҳлил қилишга бағишлаб 60 га яқин илмий-амалий анжуман, семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилган, элликдан ортиқ илмий-амалий қўлланма нашр қилинган.

Анжуман якунида қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмларни такомиллаштириш, қонунлар ижроси мониторингини амалга оширадиган давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятини ўзаро мувофиқлаштиришни такомиллаштириш, улар фаолиятини яхлит услубиёт ва услублар асосида ташкил этишни йўлга қўйишга қаратилган илмий-амалий тавсиялар қабул қилинди.

**Алишер БОЛИЕВ.**

**Тўқимачилик саноати мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан саналади. Кейинги йилларда мазкур соҳани янада равнақ топтириш мақсадида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бунда юртимизда қулай инвестициявий муҳит яратилгани муҳим омил бўлаяпти. Ўтган йилнинг ноябрь ойида масъулияти чекланган жамият шаклидаги "ДЭУ Текстайл Бухоро" корхонасининг барпо этилгани ушбу саъй-ҳаракатларнинг амалий ижросидир.**

# ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ КОРХОНА

Жанубий Кореянинг дунё тўқимачилик саноатида ўз ўрнига эга "ДЭУ интернейшнл" корпорацияси собиқ "Бухоротекс" ҳиссадорлик жамияти 1-фабрикасини мулкий мажмуа сифатида сотиб олганди. Шундан сўнг 2008 йилнинг апрелида бу ерда қурилиш ишлари бошланиб, қиймати 47,5 миллион АҚШ долларилик лойиҳа амалга оширилди. Бино ва қурилмалар реконструкциясига 11 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя сарфланди. 32,1 миллион АҚШ доллари миқдоридаги замонавий технологик линиялар ўрнатилди. Корхона Швейцария, Германия, Японияда ишлаб чиқарилган замонавий дастгоҳлар ва бошқа турдаги ускуналар билан жиҳозланди.

**Интилиш**

— Жаҳон тўқимачилик саноати соҳасидаги энг замонавий корхоналардан бирида ишлаш бизга насиб этди, — дейди йигирув цехи бригадири Майсара Қиличева. — "ДЭУ Текстайл Бухоро"да меҳнат қилаётганимиздан мамнунмиз. Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳамкорлигининг меваси саналган бу мажмуа шарофати билан кўплаб ҳамкасбларим, хусусан, хотин-қизлар ишли бўлишди.

Гулшода Саидова ана шуларнинг бири. Ҳаракатлари енгил, ўз ишининг устаси экани шундоқ сезилиб турган бу қиз илгари "Бухоротекс" ҳиссадорлик жамиятида ишлаган, корхона банкротга учрагач, ўзига маъқул иш излаётганди.

— Корхона ишга тушгач, бажонидил шу ерга келиб, ўз фаолиятимни давом эттираяпман, — дейди у. — Бизда асосий иш жараёни компьютерлаштирилган. Илгариги корхонамизда кўп юмушлар қўлда бажариларди, дастгоҳлар ҳам эскириб қолганди. Тафовут катта. Янги дастгоҳларда ишлаш бизга қийинчилик туғдиргани йўқ. Айрим ҳамкасбларим вилоятимиздаги "Қоракўлтекс" корхонасида замонавий линияларда ишлаш кўникмасига эга бўлиб қайтишди. Қулай иш ва дам олиш шароити яратилгани ҳам унумли, самарали меҳнат қилишимизга имконият яратмоқда.

Корхонада йилига 19,5 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш имконияти бор. Ундан 16 минг тонна калава ип тайёрланади. Шу маҳсулотнинг саксон фоиздан кўпроғи экспорт қилинади. Бунда замонавий корхонанинг энг харидоргир толани қайта ишлаши ҳам муҳим аҳамиятга эга, албатта. Зеро, Бухорода етиштирилаётган пахта юқори сифати билан донг таратган.

— Биз маҳсулот сифатини таъминлаш юзасидан зарур тавсиялар бериш билан шуғулланамиз, — дейди корхона лабораторияси етакчи ходими Меҳринисо Норова. — Бунда бизга Швейцарияда ишлаб чиқарилган энг сўнгги русумдаги лаборатория жиҳозлари жуда қўл келаяпти.

Дарвоқе, ўтган йилнинг сўнгги чорагидаёқ "ДЭУ Текстайл Бухоро" тамғаси туширилган дастлабки 400 тоннадан зиёд маҳсулот хорижлик буюртмачиларга етказиб берилди. Асосий мақсад эса йилига 35 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулотни экспорт қилишдан иборат. 700 нафарга яқин ишчи меҳнат қилаётган бу корхонанинг истиқболи порлоқ. Ҳозирдаёқ ишлаб чиқаришни кенгайтириш тадбирлари белгиланаяпти. Бу эса келажакда янги иш ўринлари очиш ва экспортбоп маҳсулот ҳажмини ошириш имконини беради.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ГЕПАТОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу борада қабул қилинган давлат дастурларида белгиланган вазифалар босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилиши натижасида халқимизга тиббий хизмат кўрсатиш сифати тобора яхшиланмоқда.

Бугун мамлакатимизда 3000 дан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари ва кўплаб оилавий поликлиникалар аҳоли хизматида. Ушбу шифо масканлари касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва даволашда яхши самара берадиган замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Репродуктив ёшдаги аёллар, болалар ва ўсмирлар тиббий кўрикларга тўла жалб этилмоқда. Бу жараёнда аниқланган касалликларни, жумладан, гепатобилиар тизимлар хасталикларини ўз вақтида даволашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, тиббиётнинг бошқа йўналишлари қатори, гепатобилиар тизимлар хасталикларини ўз вақтида аниқлаш ва самарали даволашда шифобахш табиий гиёҳлар асосида яратилган препаратлардан фойдаланиш яхши самара беради.

Ҳозир жаҳон тиббиётида бу борада қўлланилаётган дорилар маҳаллий фармацевтика компанияларимиз томонидан ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Бу эса халқимизга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигини ошириш, фармацевтика бозорини халқаро талабларга жавоб берадиган замонавий дори-дармонлар билан тўлдиришда муҳим омил бўлаётир.

«Фармед саноат» компаниясининг маҳсулоти — «Цинарикс» табиий ўсимликлар асосида яратилган. Ушбу препарат жигар касалликларини даволашда юқори самарадорликка эга. Инсон саломатлигига безарар ушбу шифо воситасини ҳомиладор ва эмизикли аёлларда ҳам қўллаш мумкин.

Анжуманда жигар касалликларининг репродуктив саломатликка таъсири ва унинг олдини олиш ҳамда даволашнинг замонавий усуллари, «Цинарикс» препаратини қўллаш самаралари, гепатология, акушерлик ва гинекология соҳасида эришилаётган ютуқлар ҳамда янги диагностика технологияларига оид маърузалар тингланди.

**Б. ХИДИРОВА, ЎзА мухбири.**

# МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИНИНГ САМАРАСИ





**Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга оширилаётгани туфайли ўзбек автомобилсозлиги тобора тараққий этиб бормоқда. Зеро, бугунги кунда автомобиль учун зарур бўлган бутловчи ва эҳтиёт қисмларнинг асосий қисми юртимизда ишлаб чиқарилаётир.**

**Изланиш**

Бу соҳада Маҳаллийлаштириш дастури ижроси изчил йўлга қўйилган. Фарғона шаҳридаги "Евроосиё ТАПО-ДИСК" Ўзбекистон — Англия — Швейцария қўшма корхонаси фаолияти бунга яққол мисол бўла олади.

Гап шундаки, бу ерда Асакадаги автомобиль заводи учун автодисклар ишлаб чиқарилади. Айни пайтда корхонада автомобиллар учун тайёрланаётган маҳсулотлар тури кўпайиб, 56 тага етказилгани эътиборлидир.

Қўшма корхона техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилингач, ишлаб чиқариш ҳажми кескин ошди. Натижада ўтган йили 1 миллион 300 минг дона автомобиль диски ишлаб чиқарилди. Маҳсулотнинг 50 фоизи экспорт қилингани унинг қай даражада сифатли эканлигини кўрсатиб турибди.

**СУРАТДА:** (чапдан) қўшма корхонанинг қолип цехи сифат назоратчиси Дилшод Абдураҳмонов ва оператор Дилшод Жўраев.

**М. ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

# Янги меҳмон янги бинода

**Самарқанд шаҳридаги 2-туғуруқ мажмуаси янги бинода иш бошлади.**

Бунинг учун "Кристалл-Самарқанд" қурилиш ташкилоти бунёдкорлари 749 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар. Шунингдек, мазкур иншоотни замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлашга 50 миллион сўм маблағ ажратилди.

Таъкидлаш керакки, туғуруқхонанинг моддий-техник имкониятлари кенгайиши вилоятда она ва бола саломатлигини янада мустаҳкамлаш учун қўшимча имкониятлар яратди.

**А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ФЕРМЕРНИНГ ТАДБИРКОРЛИГИ

**Музработ туманидаги Жамшид Холмирзаев раҳбарлик қилаётган "Рамазонов Темирмалик" фермер хўжалигида мих тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган хўжаликнинг ўнинчи қўшимча ишлаб чиқариш тармоғидир.**

**Яхши хабар**

Айни пайтда бу ерда 2 та шоли оқлаш ва ун тегирмони, пахта тозалаш ҳамда тикув цехи ишлаб турибди. Шунингдек, хўжалик қошидаги паррандачилик фабрикасида 2000 та зотдор товуқ парвариш қилинмоқда. Сунъий ташкил этилган кўлда эса балиқ етиштирилаётир. Фермер хўжалиги аъзолари чорвачиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Ушбу тармоқлар фермернинг даромадига даромад қўшиб, уни қишлоқ мулкдорига айлантирмоқда.

**О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**Бугун ҳаётимизга замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жадал суръатларда кириб келмоқда. Ушбу тизимнинг ривожланиши ва барча соҳаларда қўлланилиши мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириб, унинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви имкониятларини янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этаётир. Айниқса, кейинги пайтларда алоқа хизматлари сафига мобиль алоқа турларининг қўшилиши ушбу соҳада соғлом рақобат муҳитини яратишга хизмат қилмоқда.**

# ЗАМОНАВИЙ АЛОҚА ТИЗИМИ

## хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириб, сифатини янада яхшилаш имконини бермоқда

"Ўзбектелеком" АК Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали жамоаси ҳам тармоқ фаолиятини такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш кўламини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

— 2009 йилнинг сентябрь ойида филиалимиз фаолияти "ISO 9001:2008" халқаро стандарти талабларига мос келишини тасдиқловчи сертификатга эга бўлди, — дейди Тошкент шаҳар телефон тармоғи филиали директори Абдурашид Абдумўминов. — Бу муҳим ҳужжат, табиийки, хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиб, соҳада менежмент тизими янада такомиллаштирилаётганини кўрсатиб турибди.

Шу билан бирга, ахборот ҳисоблаш маркази томонидан ишлаб чиқилган Биллинг тизимидаги дастурга ўзгартириш киритилди. Тармоқда IP-телефония хизмати йўлга қўйилди. IP-телефония хизматини татбиқ этиш учун дастурий таъминот ва сервер платформаси ўрнатилди. Тижорат ва хўжалик сектори абонентларига маълумот узатиш, Интернет, IP-телефония ва жамоа бўлиб фойдаланиладиган Интернет шохобчалари хизматлари жорий этилди. Тараққиёт режасига асосан, хизмат кўрсатиш сифатини юксалтириш мақсадида хизмат турлари ва қамрови кенгайтирилди. Филиалдаги боғламалар ва бўлинмалар юксак тезликда ҳамда ишончли маълумот узатиш имконияти мавжуд бўлган ўз корпоратив тармоғига эга бўлди. Ҳозирги кунда деярли барча почта бўлимлари Биллинг тизимига уланган. Бунинг учун маълумот узатиш тармоғи портлари ажратилди, иш жойлари автоматлаштирилиб, замонавий дастурлар билан таъминланди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, истеъмолчиларга "Ўзбектелеком" АК "ТШТТ" филиалида Қўнғироқлар Call-маркази ишга туширилди ва янги хизмат турлари тақдим этилди. Натижада маълумот-ахборот хизмати қамрови янада кенгайтирилди.

**Жараён**

Муҳими, ушбу хизмат реклама ва тарғибот мақсадларида фойдаланишга қулайдир. Бундан ташқари, у тармоқда олди-сотди ишларини ташкил этишда ҳам қўл келади.

Шу боис бугунги кунда Ўзбекистоннинг телекоммуникация хизматлари бозорида Қўнғироқлар Call-марказига бўлган талаб ва эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Мазкур хизмат орқали турли мусобақа ва танловлар ҳам ўтказиш мумкин. Шу билан бирга, Қўшимча тариф хизматига уланган буюртмачи ҳар бир қилинган қўнғироқ учун қўшимча даромад олиш имкониятига эга бўлади. Телеовоз бериш хизмати шулар жумласидандир.

Бу хизматлар Қўнғироқлар Call-маркази ёрдамида амалга оширилади. Айни пайтда Тошкент шаҳри аҳолисига "Болажонлар учун эртак" хизмати жорий этилди. Эндиликда болажонлар 200-01-00 рақамига қўнғироқ қилиб, эртак рақам кодини киритишлари ва уни телефон орқали эшитишлари мумкин бўлади.

Шуни айтиш лозимки, янги Виртуал офис хизмати тадбиркорлар учун мўлжалланган бўлиб, иш юзасидан қилинган қўнғироқларга марказ хизмати орқали автоматик тарзда жавоб қайтарилади.

Табриклаш хизмати эса яқинларингиз, қариндошларингиз ва танишларингизга табрик йўллаш имкониятини беради. Буюртма "ТШТТ"нинг 200-01-01 рақами ёрдамида амалга оширилади.




Яна бир янги хизмат тури Аёлларимиз учун пазандалик рецептидир. Бунинг учун 200-09-97 рақамига қўнғироқ қилиш лозим бўлади.

Табиийки, бу саъй-ҳаракатлар мижозларга намунали хизмат кўрсатиш имкониятини яратмоқда. "ТШТТ" жамоаси, албатта, бундай ютуқлар билан чекланиб қолмайди. Улар мижозларга янада сифатли хизмат кўрсатишга, янгидан-янги хизмат турларини таклиф қилишга барча имкониятларини сафарбар этадилар.

**Усмон УСМОНОВ тайёрлади.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Зилзилани олдиндан сезади

***Буюк Британиядаги "Zoology" нашрининг ёзишича, қурбақалар ер силкинишини бир неча кун олдиндан сезиш хусусиятига эга.***



Бу борада тадқиқот олиб борган Лондон Очиқ университети олимлари шундай фикрга келишди. Кузатишларга қараганда, 2009 йилнинг апрель ойида Италиянинг Аквила шаҳрида зилзила юз беришидан беш кун олдин қурбақалар табиий офат содир бўлган ҳудудларни оммавий равишда тарк этган экан. Хавф-хатар ўтгандан кейин эса улар яна ўз маконларига қайтишган.

Тадқиқот раҳбари Рэйчел Грантнинг айтишича, ҳозирга қадар бирорта жонивор сейсмик ўзгаришларни бунчалик барвақт сезиши аниқланмаган.

## Қазиш ишлари олиб борилади

***Оқ уй маъмурияти мамлакатнинг Атлантика океани жанубий соҳилларида нефть ва газ қазиб олиш бошланишини маълум қилди.***

Шу мавзуда чиқиш қилган давлат раҳбарининг таъкидлашича, бу лойиҳа янги иш ўринларини ташкил этиш билан бирга, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, 20 йилдан буён бу минтақаларда қазиш ишлари олиб бориш тақиқлаб келинаётганди.

## Самолётлар сотиб олмоқчи

***"Boeing" самолётсозлик компанияси маҳсулот етказиб бериш борасида йирик шартнома имзолади.***



Гап шундаки, Австралиянинг "Virgin Blue" авиакомпанияси ушбу корхонадан "Boeing 737" русумли ҳаво лайнеридан 105 та сотиб олишга қарор қилган. Ҳозирча келишувнинг молиявий томонлари ошкор этилмаган. Шундай бўлса-да, кузатувчилар янги самолётлар "Virgin Blue"га 8,1 миллиард АҚШ долларидан камига тушмаслигини айтишмоқда.

Таъкидлаш керак, жорий йил авиакомпаниялар фаолиятида жонланиш кузатилмоқда. Жумладан, биргина февраль ойида халқаро миқёсда йўловчи ташиш ҳажми 23,6 фоизга ўсган. Бу кўплаб авиакомпанияларнинг хизмат кўрсатиш сифатини оширишига замин яратмоқда.

## Хакерлар ҳужуми

***Хитойда фаолият юритаётган Хорижлик журналистлар ассоциацияси ходимларининг Интернетдаги саҳифалари ва электрон почталари ўз-ўзидан ёпилиб қолган.***



Ҳозирча мазкур иш ким томонидан амалга оширилгани аниқ эмас. Тахмин қилинишича, бунда хакерларнинг қўли бор. Текшириш ишлари олиб борилмоқда.

Сўнгги пайтларда мамлакатда бундай воқеалар тез-тез кузатилмоқда. Масалан, сал олдинроқ "Google" корпорацияси дастурларига ҳам зарар етказилганди. Бундан ташқари, Пекин ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг электрон адреслари ҳам ёпилиб қолганди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# Глобал исиш: ФИКРЛАР ВА ТАХМИНЛАР

***Сўнгги пайтларда жаҳон оммавий ахборот воситаларида инсониятнинг табиатга салбий таъсири ортиб бораётгани ҳақида кўп гапирилмоқда. Жумладан, илм-фан ва техниканинг жадал тараққий этиши, табиий ресурслардан хўжасизларча фойдаланиш ҳамда йилдан-йилга сони ортиб бораётган йирик-йирик ишлаб чиқариш мажмуаларидан атмосферага чиқаётган заҳарли газлар сайёрамизда кескин иқлим ўзгаришларига, табиий техноген ҳолатларнинг кўпайишига олиб келмоқда.***

Шарҳ

Бундай салбий таъсирлар оқибатида озон қатламининг емирилиши тезлашмоқда, тоза ичимлик сувининг ифлосланиши ошиб бормоқда ва шу билан бирга, биохилма-хилликка путур етмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, охирги йилларда сув тошқинларининг кўпайишига ҳавонинг кескин исиб кетиши ҳам сабаб бўлаётган экан.

Хусусан, Иқлим ўзгариши бўйича ҳукуматлараро экспертлар гуруҳи (IPCC) маълумотларига кўра, сўнгги 40 йилда океанлар ҳароратининг ортиши кутилганидан 50 фоиз тезроқ содир бўлмоқда. Агар глобал исиш натижасида қуруқликдаги музликлар эриши давом этса, 2100 йилга бориб уммонларда сув сатҳи яна 59 сантиметрга кўтарилади. Кузатувчилар Гренляндия ва Антарктидадаги муз қояларнинг йўқолиб бораётгани қўшимча ташвиш келтириши мумкинлигини таъкидлашмоқда. Боз устига, метеорологларнинг фикрича, жараённинг тезлашуви яқин бир неча йил ичида Европа ҳудудига ўз таъсирини кўрсатади. Яъни, сайёрамиздаги океанлар сувлари аввалгидек кўтарилишда давом этса, 50-60 йилдан сўнг "Кўҳна қитъа" қуруқликларининг бир қисми сув остида қолиши мумкин. Бу хусусда тадқиқотлар олиб борган норвегиялик тадқиқотчи Боэрдж Осленд Антарктида минтақасида бўлиб, у ердаги энг сўнгги ўзгаришлар ҳақида маълумотлар тўплаган. Унда келтирилишича, ҳудуд музликлари қарийб икки баробар камайган. Умуман олганда, ўтган 35 йил давомида Арктикадаги майдонлар салкам олти фоизга қисқарган. Музликлардаги ҳаво ҳарорати бутун дунё билан солиштирилганда 2 баробар тезроқ исимоқда.

Бундан-да ташвишли башоратларни жаҳоннинг 250 нафар етакчи тадқиқотчилари ҳам келтириб ўтишган. Хусусан, улар ўз изланишлари натижаси бўйича 2070 йилда Шимолий муз океанининг каттагина қисми эриб битишини ва ёз фаслида у ерда бемалол сузиш мумкинлигини маълум қилишди. Бундай салбий ҳолатлар Осиёда ҳам кузатилмоқда. Жумладан, қитъада саҳроланиш ва қурғоқчилик тобора кенгайиб бормоқда. Америкада эса иқлим ўзгариши ёғинлар миқдорининг кескин кўпайишига, айни пайтда ҳаво ҳарорати ва денгизлар сатҳининг ошишига ҳамда музликлар чекиниб, дарёлар оқимининг ўзгаришига сабаб бўлаётган экан.

Аммо яқинда айрим хориж оммавий ахборот манбаларида тарқатилган бошқа бир маълумотларда эса вазият бу қадар ҳалокатли эмаслиги ҳақида сўз юритилади. Уларда келтирилишича, ер юзида глобал исиш жараёни кузатилмаяпти, балки сўнгги йилларда ҳаво ҳароратининг тез суръатда кўтарилиб бораётгани тўғрисидаги бўрттирилган ахборотлар одамлар тасаввурида шундай қарашларни уйғотмоқда. Аниқроқ айтганда, сўнгги ўн беш йилда ҳавонинг исиши сезиларли даражада юқори бўлмаган. Аксинча, бу даврда ҳавонинг исишига нисбатан совиши юқорироқ бўлган.

Бир-бирини инкор этадиган бундай маълумотларнинг юзага келишига ҳам турли омиллар сабаб бўлаётир. Чунончи Интернет манбаларида қайд этилишича, ўтган йил охирида бир гуруҳ хакерлар (компьютер технологиялари ёрдамида қимматли маълумотларни ўғирловчи кишилар) Иқлим ўзгаришларини ўрганиш бўйича Шарқий Англия университетининг маълумотлар базасига киришга муваффақ бўлишади ва у ердан бу мавзудаги кўплаб фактларни олишнинг уддасидан чиқишади. Айнан ушбу муассаса кўп йиллар давомида глобал исиш борасида тадқиқотлар олиб борган бўлиб, уларнинг таҳлиллари асосида кўплаб илмий маърузалар, мақолалар тайёрланган. Маълум бўлишича, глобал исиш борасида тўпланган маълумотлар кўпинча бузилиб, аниқроғи, муболағали талқин қилиниб, ҳарорат пасайиб бораётганини яширишга ҳаракат қилинган. Мисол учун, охирги йилларда глобал исишнинг музликларга таъсири ошиб бораётгани ҳақида жуда кўп гапирилди. Бунинг оқибатида Ҳимолай тоғларидаги музликлар 500 минг квадрат метрдан 100 квадрат метргача қисқариб кетгани ва 2035 йилга бориб ер юзида бундай ҳудудлар бутунлай йўқ бўлиб кетиши ҳақида огоҳлантирилди. Аслида эса Ҳимолай музликларининг умумий майдони 33 минг квадрат метрдан ошмас экан. Бундан ташқари, 2002 йилдан бошлаб йиллик ўртача ҳарорат 0,12 даражага тушиб боришини айтиб ўтилган, аммо орадан саккиз йил ўтибдики, бу башорат ҳам ўзини оқламаган. Шундай бўлса-да, глобал исиш бор ҳақиқат, деган қарашлар олға сурилмоқда. Таъкидланишича, 1960 ва 1999 йиллар мобайнидаги ҳароратнинг исиши ўрганилиб, шундай хулосага келинган. Аммо экспертлар бу борада хатоликка йўл қўйилган, деб ҳисоблашмоқда.

Негаки, кейинги икки-уч йил давомида қиш фасли дунёнинг кўплаб минтақаларида жуда қаттиқ келди. Хусусан, баъзи мамлакатларда ҳаво ҳарорати — 40-45 даражагача тушиб кетди. Ҳатто осмонида йил — ўн икки ой қуёш чарақлаб турадиган мамлакатларда ҳам қалин қор ёққани, ушбу тадқиқотларни яна бир карра кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Инсониятнинг атроф-муҳитга салбий таъсири ортиб бораётгани бор гап. Жадал техник тараққиёт ва истеъмол талабининг ортиш жараёни табиатга таъсир кўрсатмасдан қолмайди, албатта. Аммо бу борадаги айрим хориж нашрларида кўр-кўрона, асоссиз "башорат"лар, ваҳимали шов-шувлар тарқатилаётганини қандай изоҳлаш мумкин? Мақсад — одамларда хавотир ва қўрқув уйғотишми ёхуд табиатни асрашга даъватми — ажратиш қийин. Шу маънода, ҳар қандай маълумотга вазминлик ва ҳушёрлик билан муносабатда бўлиш, ҳақиқатни аниқлашнинг синалган мезонлари орқали ёндашиш мантиққа тўғри келишини ёдингизга солмоқчимиз.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**


## Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

**МЧЖ шаклидаги «Sportlotto ltd.» ҚКга берилган лотереялар ташкил этиш ва ўтказиш бўйича фаолият юритиш ҳуқуқини берувчи лицензия (серияси LF № 000003)нинг амал қилиш муддати тўхтатилганлигини маълум қилади.**

Шунингдек, тарқатилган, аммо ўйналмаган «Спортлотто 36 дан 6»нинг 402-рақамли лотереяси ва «Спортлотто 35 дан 7»нинг 214-рақамли лотереяси бўйича пул маблағларини олиш учун билет эгалари билет, паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат билан ариза орқали «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ филиалларининг омонат кассаларига мурожаат этишлари лозим.

Тарқатилган, аммо юқорида кўрсатилган тиражлар бўйича ўйналмаган лотерея билетларини қабул қилиш 2010 йил 12 апрелдан бошлаб амалга оширилади.

**«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБнинг тарқатилган, аммо ўйналмаган «Спортлотто 36 дан 6»нинг 402-рақамли лотереяси ва «Спортлотто 35 дан 7»нинг 214-рақамли лотереяси тиражлари бўйича пул маблағларини қайтариб берадиган филиаллари РЎЙХАТИ**

| Минтақа | Манзил | Телефонлар |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси | Нукус ш., О. Шомуратова к., 117-уй | (8-361) 222-55-85, Тошкентдан 141-74-52 |
| Хоразм вилояти | Урганч ш., А. Баҳодирхон к., 183-уй | (8-362) 226-19-45 |
| Навоий вилояти | Навоий ш., Меъморлар к., 7-уй | (8-436) 222-69-81 |
| Бухоро вилояти | Бухоро ш., Навоий к., 5-уй | (8-365) 223-78-24 |
| Қашқадарё вилояти | Қарши, Хонобод к., 2-«А» уй | (8-375) 223-23-08 |
| | Шаҳрисабз ш., Ипак йўли к., 38-уй | |
| Сурхондарё вилояти | Термиз ш., Навоий к., 45-«А» уй | (8-376) 594-84-84 |
| Андижон вилояти | Андижон ш., Бобуршоҳ к., 36-уй | (8-374) 222-30-39 |
| Фарғона вилояти | Фарғона ш., Қомус к., 42-уй | (8-373) 224-01-81 |
| | Қўқон ш., Амир Темур к., 1-«А» уй | (8-373) 552-22-37 |
| Наманган вилояти | Наманган ш., Дўстлик ш.к., 19-уй | (8-369) 234-19-24 |
| Самарқанд вилояти | Самарқанд ш., А. Икромов к., 13-уй | (8-366) 233-80-16 |
| Жиззах вилояти | Самарқанд ш., А. Икромов к., 13-уй | (8-366) 233-80-16 |
| Сирдарё вилояти | Гулистон ш., Навоий к., 48-уй | (8-367) 225-26-81 |
| Тошкент вилояти | Чирчиқ ш., Навоий к., 66-уй | (8-370) 716-61-86 |
| | Ангрен ш., 5/1-а массиви, 3-уй | (8-370) 662-17-71 |
| | Олмалиқ ш., «Аммофос» ОАЖ қошида | (8-371) 140-14-37, 140-14-36 |
| Тошкент шаҳри | Тошкент ш., Мустақиллик ш.к. (собиқ Пушкин к.), 5-уй | (8-371) 233-32-36 |

**Изоҳ: Паркент, Бўка, Янгийўл, Дўстобод ва Бекобод шаҳарларида харид қилинган лотерея билетлари эгалари «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБнинг қуйидаги ваколатли филиалига мурожаат этишлари лозим: Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси (собиқ Пушкин кўчаси), 5-уй, «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Тошкент шаҳар бўлими.**

329R/391

**Маълумот олиш учун МЧЖ шаклидаги «Sportlotto ltd.» ҚК телефонлари: (8-371) 241-05-04, 244-33-26.**



## Республика Кўчмас мулк биржаси Наманган вилояти филиали

**бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**2010 йил 27 апрель куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига** Наманган шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан, 2009 йил 30 ноябрдаги 16-0904/12731-сонли ижро ҳужжатига асосан, Наманган шаҳри, С. Шерозий кўчаси, 15-уйда жойлашган, Наманган 22-сонли автокорхона акциядорлик жамиятига қарашли, 1 қаватдан иборат бўлган «Автосарой» бино-иншоотлари қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 125 405 663 сўм.

**Шунингдек, 2010 йил 20 апрель куни соат 11.00 да ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига** Уйчи тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, 2006 йил 29 июлдаги 0605-4440-сонли ва бошқа ижро ҳужжатларига асосан, Уйчи тумани «Бош пиллахона» МЧЖга қарашли, Жийдакапа ҚФЙ ҳудудида жойлашган, мажмуа ҳолдаги (умумий ер майдони — 10070,5 кв.м., қисман таъмирталаб) «Пилла қабул килиш пункти»нинг умумий бино ва иншоотлари қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 109 769 188 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Наманган филиалининг АТИБ «Ипотека-Банк»и Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000600571452072, МФО: 00223, СТИР: 200933850.

**Манзил: Наманган ш., Нодира к., 3-уй, 4-қават.**
**Телефонлар: (8-369) 226-54-47, 226-27-01.**

***Диққат!***

Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг ҳудудий филиаллари бюджет ташкилотлари ҳамда давлат унитар корхоналари мол-мулкларининг оммавий савдоларини ташкил этишини алоҳида маълум қилади.
Оммавий савдолар мулк эгасининг ихтиёрига кўра, бевосита жойларга чиқиб ўтказилиши мумкин.

330R/840

WWW.RKMB.UZ

*Лицензия: DB 001 № 000004.*


# ТАСВИРЛАРДА ЁШЛИК ШИЖОАТИ

***Пойтахтимиздаги Ўзбекистон маданият ва санъат кўргазмаси залида ҳаваскор фотосуратчилар ўртасида ўтказилаётган республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтмоқда.***

Кўргазма

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Бадиий академияси ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур танлов мамлакатимизда замонавий фотография санъатига қизиқувчи ёшлар сафини янада кенгайтириш, бу борада амалга оширилаётган ишлар билан кенг жамоатчиликни яқиндан таништиришга хизмат қилади, албатта. Зеро, ёш авлодни она-юртга муҳаббат, миллий анъаналарга садоқат руҳида тарбиялашда санъатнинг ўрни беқиёс. Шу боис юртимизда миллий санъатнинг барча йўналишларини ривожлантириш, бу соҳада эришилаётган ютуқларни кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш, ёш ижодкорларни моддий ҳамда маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёш фотосуратчилар кўрик-танлови ҳам "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилган бўлиб, у юртимизнинг чекка қишлоқ жойларида камол топаётган ёш истеъдод соҳибларини кашф қилишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Кўрик-танловнинг якуний босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан саралаган 24 нафар ёш суратмаш 170 га яқин ижодий иши билан қатнашмоқда. Мазкур ижод намуналарида ёшларимизнинг қизиқиш ва интилишлари, спорт, илм-фан ҳамда санъат соҳаларида эришаётган ютуқлари, шунингдек, юртимизнинг бетакрор табиати, замондошларимиз сиймоси, бебаҳо миллий қадриятлар тараннум этилган. Хусусан, сирдарёлик Жонибек Рашидов, бухоролик Беҳзод Болтаев ва Жаҳонгир Ибрагимов, жиззахлик Бердибек Совуров, наманганлик Раҳимжон Мамадалиевнинг ижодий ишлари табиийлиги, таъсирчан ва ҳаётий лавҳаларга бойлиги билан диққатга сазовордир.

— Бекободлик суратмаш Султонбой Деҳқоновнинг асарлари менда катта таассурот қолдирди, — дейди тадбирга ташриф буюрган Шерзод Аҳмаджонов. — Масалан, унинг "Кутилмаган рақиб" номли фотолавҳаси бугунги ёшлар ҳаётидан олинган бўлиб, эркин ҳаётий манзара сифатида киши онгу шуурида эзгу туйғу уйғотади. Ёш ижодкорнинг ўзига хос нигоҳи, янгича топилмалари ҳам эътиборга моликдир.

Кўргазма 5 апрелга қадар давом этади. Тадбир якунида энг сара ижодий ишлар муаллифлари махсус диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланадилар.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


***Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!***

## Тошкент вилояти «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси қуйидаги объектларга танлов савдоси эълон қилади:

**ЛОТ 1-4.**

**ЛОТ-1.** Тошкент вилояти, Паркент тумани, «Сўқоқ» ҚФЙ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш тармоғи.
Бошланғич нархи: ҚҚС билан — 107 830 115 сўм, ҚҚСсиз — 89 858 429 сўм. Қурилиш муддати — 60 кун.

**ЛОТ-2.** Тошкент вилояти, Паркент тумани, «Заркент» ҚФЙ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш тармоғи.
Бошланғич нархи: ҚҚС билан — 105 872 764 сўм, ҚҚСсиз — 88 227 303 сўм. Қурилиш муддати — 60 кун.

**ЛОТ-3.** Тошкент вилояти, Пскент тумани, «Кориз» ҚФЙ, Машак аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш тармоғи.
Бошланғич нархи: ҚҚС билан — 134 146 710 сўм, ҚҚСсиз — 111 788 925 сўм. Қурилиш муддати — 60 кун.

**ЛОТ-4.** Тошкент вилояти, Пскент тумани, «Бирлик» ҚФЙ, Навбаҳор аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш тармоғи.
Бошланғич нархи: ҚҚС билан — 116 268 562 сўм, ҚҚСсиз — 96 890 468 сўм. Қурилиш муддати — 60 кун.

**ЛОТ 2-4.**

**ЛОТ-1.** Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, «Саксонота» ҚФЙ, Саксонота аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш тармоғи.
Бошланғич нархи: ҚҚС билан — 123 575 109 сўм, ҚҚСсиз — 102 979 257 сўм. Қурилиш муддати — 60 кун.

**ЛОТ-2.** Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, «Дўстлик» ҚФЙ, Омонобод аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш тармоғи.
Бошланғич нархи: ҚҚС билан — 142 473 416 сўм, ҚҚСсиз — 118 727 847 сўм. Қурилиш муддати — 60 кун.

**ЛОТ-3.** Тошкент вилояти, Бўка тумани, «Роват» ҚФЙ, Ўртатепа аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш тармоғи.
Бошланғич нархи: ҚҚС билан — 113 515 949 сўм, ҚҚСсиз — 94 596 624 сўм. Қурилиш муддати — 60 кун.

**ЛОТ-4.** Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Оққовоқ» ҚФЙ, Оқолтин ва Дархон аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлаш тармоғи.
Бошланғич нархи: ҚҚС билан — 92 040 045 сўм, ҚҚСсиз — 76 700 038 сўм. Қурилиш муддати — 60 кун.

**Қурилиш ишлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Савдо ташкилотчиси — Тошкент вилояти ҳокимлиги «Тошконсалтингстройторг» давлат корхонаси. Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй. Тел.: (8-371) 233-06-95.**

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотларининг танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий пудратчиларга қуйидаги баҳолаш имтиёзлари кўзда тутилади: тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ, қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчиларнинг импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш)даги тендер таклифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўшган ҳолда ҳисобланади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Тошкент вилояти ҳокимлиги «Тошконсалтингстройторг» давлат корхонасига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Тошкент ш., Алишер Навоий к., 18-уй, 308, 311-хоналар. Тел.: (8-371) 241-15-26, 241-15-32.
Танлов ҳужжатларининг бир тўплами қиймати — 120 000 (бир юз йигирма минг) сўм.
Таклифлар (офերталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати оферталар очилиш куни ва соатигача.
Таклифлар (оферталар) эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда очилади:
Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 19-уй.

332R/17


## Иш керакми, марҳамат

***Чортоқ туманида навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Туман бандликка кўмаклашувчи маркази ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирда 56 та корхона ва ташкилот 174 та бўш иш ўрни билан қатнашди.***

Тадбир якунига кўра, 80 кишига ишга жойлашишлари учун йўлланма берилди. Бундан ташқари, ярмарка доирасида касб-ҳунар коллежларининг битирувчи босқичида таҳсил олаётган ўқувчилар билан ишга жойлашиш бўйича шартномалар имзоланди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди жамоаси Андижон вилояти хўжалик судининг собиқ судьяси **Сталина Джураевна НУРМУХАМЕДОВАнинг** вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбекнефтгаз" Миллий холдинг компанияси жамоаси Ўзбекистон нефть саноатининг фахрийси **Азиз Исмаилович ИСМАИЛОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

***Ў**збекистон Фанлар академиясининг Физика-техника институтида иқтидорли, ёш олимлар кўпчиликни ташкил этади. Шахсан ўзим институтнинг кўпламчилик жараёнлари лабораториясида катта илмий ходим бўлиб ишлайман. Йигирма олти ёшда физика-математика фанлари номзоди бўлдим. Айни пайтда эса докторлик диссертацияси устида иш олиб бораяпман. Юқори энергияли ядро ва зарралар тўқнашувида коллектив эффектларни тадқиқ қилиш мавзусидаги мазкур илмий ишимни, насиб этса, жорий йилда якунига етказаман.*

# СЕРҚИРРА ИСТЕЪДОД ЖИЛОСИ

Айни пайтда Россиянинг Дубна шаҳридаги Бирлашган ядро тадқиқотлари институти олимлари билан ҳамкорликда тадқиқот ишлари олиб бораяпман. Ушбу изланишлар ҳозирги замон ядро физикаси ривожида муҳим аҳамиятга эга. Чунки тадқиқотларимиз ядро материясининг жуда қисқа, яъни атом ўлчамларидан юз минглаб марта кичик масофалардаги хусусиятларини тушунишда асқотадиган маълумотларга эга бўлиш имконини беради.

**2010 йил — Баркамол авлод йили**

...Бундан тўққиз йил аввал қўлга киритган илк ютуғим ҳеч ёдимдан чиқмайди. Ўшанда Ўзбекистон Фанлар академиясининг ёш олимлар ишланмалари учун таъсис этган мукофотини қўлга киритган эдим. Ушбу рағбат мени янада шижоат билан меҳнат қилишга ундади. Шундан сўнг тўрт йил давомида, яъни 2002 — 2006 йилларда Германиянинг Бонн университети Физика институти лабораториясида рентген спектроскопияси соҳасида ишлаб, катта тажриба орттиришга муваффақ бўлдим. Ватанимга қайтгач эса, янги лойиҳам НАТО фан қўмитасининг реинтеграция грантига сазовор бўлди. 2008 йилда яна бир илмий лойиҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси эълон қилган Ёшлар фундаментал тадқиқотлари танловида ғолиб деб топилди. Шунингдек, ўтган вақт мобайнида Европа, АҚШ, Буюк Британия, Россия, Украинадаги нуфузли журналларда ва илмий конференция тўпламларида 50 дан ортиқ илмий мақолам чиқди.

Албатта, бу ютуқлар ўз-ўзидан келгани йўқ. Зеро, мамлакатимизда қобилиятли ёшларнинг етакчи чет эл илмий марказлари ва университетларида ўқиши, малака ошириши ва ишлаши учун кенг йўл очиб берилгани туфайли бизни жаҳон танияпти. Бундай имкониятлар ҳақида фақат орзу қилиш мумкин эди. Негаки, отам ҳам физик олим, у киши мен ва мен тенги ёшларга ҳавас билан боқиб, ўз ёшликларини эслайдилар. Улар навқиронлик йилларида биз эришган натижаларни, ҳатто, хаёл ҳам қилишмаган экан.

Бугун эса ҳаммаси бошқача. Биргина бизнинг институтни олайлик. Илм билан шуғулланиш учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган институтимизда 35 ёшгача бўлган истеъдодли олимлар кўплаб топилади. Хусусан, Жасур Ахатов, Қурбонбой Холиқов, Оскар Тукфатулин, Улуғбек Абдураҳмонов, Ойбек Абдулҳаев, Камолиддин Самиев, Мардон Ҳожиев, Нилуфар Авезова сингари ёш олимларнинг ишланма ва лойиҳалари юртимиз ҳамда жаҳон миқёсида тан олинган илмий янгиликлар сирасидандир. Жумладан, ҳамкасбим Жасур Ахатов дунёда долзарб саналган қуёш энергиясидан фойдаланиш муаммолари билан шуғулланмоқда ва ҳозиргача 25 та илмий мақола чоп эттирди. Унинг қуёш энергиясида ишлайдиган бир неча қурилмалари бугун халқ хўжалигида қўл келмоқда. Айниқса, унинг қуёш энергияси ёрдамида суткасига 100 литргача сувни тозалаб берувчи қурилмаси тоза ичимлик суви муаммосини ҳал этишга хизмат қилиши ва электр тармоғи етиб бормаган чўл зоналари ҳамда олис қишлоқларда ишлатиш учун мўлжалланганлиги билан аҳамиятлидир. Қувонарлиси, бундай тежамкор, ноёб ишланмалар муаллифлари тенгқурларимиз орасида кўпчиликни ташкил этади.

Президентимизнинг ёшларга эътибори туфайли жорий йилдан эътиборан Фанлар академияси ҳамда унинг барча илмий муассасаларида Ёш олимлар кенгашлари тузилди. Ўз навбатида, бизнинг институтда ҳам шундай кенгаш фаолият бошлади. Унинг асосий вазифаси ёш тадқиқотчиларнинг фаолиятини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, жамоат ишларидаги фаоллигини оширишдан иборатдир. Йил бошида биз институтимиз ёш олимлар кенгаши йиғилишини ўтказдик ва бир йилга мўлжалланган иш режасини тасдиқладик. Унга мувофиқ, институтда инглиз тили клуби ва ёш олимлар илмий семинари ташкил этилди. Шунингдек, мунтазам равишда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш, институт ёш олимларининг илмий ишлари танловларини ташкил қилиш кўзда тутилган.

Эришаётган бундай натижаларимиз билан ҳақли равишда фахрлансак, арзийди. Қатъий аҳдимиз шуки, биз, ёшлар Президентимизнинг, халқимизнинг юксак ишончини оқлашдек эзгу орзу-мақсадларимиз йўлида олға одимлайверамиз.

**Ҳусниддин ОЛИМОВ,**
**Ўзбекистон Фанлар академияси Физика-техника институтининг катта илмий ходими.**

# «ҲАМ ОРОМ, ҲАМ ШИФО ОЛДИМ»

**"Оромгоҳ" даҳаси Наманган шаҳрининг шимолий қисмида жойлашган. У шаҳардан бир неча юз метр баландликда. Ҳавоси тоза. Ғир-ғир эсаётган майин шабада кишига ҳузур бағишлайди. Табиати гўзал. Бу ердан шаҳар яққол кўзга ташланиб туради. Атрофга боқиб тўймайсан киши. "Орамбахш-газчи" санаторий-профилакторийси ҳам шу ерда жойлашган.**

**Тиббиёт**



Санаторийнинг бош шифокори Рустамжон Холбоев сиҳатгоҳнинг аҳамияти, ундаги даво турлари ҳақида қисқача маълумот берди. Унинг таъкидлашича, масканда юрак-қон томир, ҳаракат ва таянч органлари, аллергик, урологик касалликлар муолажаси йўлга қўйилган. Унда 1800 метр чуқурликдан юқори минераллашган йод-бромли сув чиқади. Маъданли бу сув киши организмидаги моддалар алмашувини меъёрига келтиради. Мия ва майда томирларда қон айланишини яхшилаб, унинг таркибидаги холестеринни камайтиради. Шунингдек, у иммунитетни кучайтиради. Айни пайтда шифо истаб келган кишиларнинг бу ердан соғлом ва тетик бўлиб қайтишлари учун замонавий тиббиёт усулларидан кенг фойдаланилмоқда.

Санаторий-профилакторийда даволаниш орзусида келаётганлар учун ҳамма қулайликлар муҳайё. Ётоқхоналар 2 кишилик бўлиб, шинам жиҳозланган. Муолажалар икки қаватли физиотерапия биносида олиб борилади. Унга асосий бино ичидан кирилади. Мижозлар кардиолог, лаборатория хизматидан ҳам баҳраманд бўлмоқдалар. Оилавий бўлиб келувчиларга қулай имконият яратилгани диққатга сазовор. Ҳовлининг юқори қисмидаги икки қаватли кўркам бино айни шу мақсадга хизмат қилади. Унда бир вақтнинг ўзида саккиз оила яшайди. Ҳар бир оилага алоҳида ётоқ, дам олиш ва ювиниш хоналари ажратилган. Хоҳловчилар шу ердаги ошхонада овқат пиширишлари мумкин.

Масканнинг майдони 3 гектардан иборат. Кўп қаватли биноларнинг атрофида қуюқ дарахтлар қад ростлаган. Икки томонида кўм-кўк арчалар яшнаб турган асфальт йўлкалардан юрар экансиз, атрофдаги ажиб манзарага мафтун бўласиз. Даволанувчилар йўлкаларда ўзаро суҳбат қуришмоқда. Биз уларнинг фикрлари билан қизиқдик.

Жалғасбой Султонов, Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли туманидан, фермер:

*— Қон босими касалига чалинганман. Даво истаб шу ерга келдим. Маъданли минерал сувга икки-уч бор тушган эдим, танамда тезда ўзгариш юз берди. Бош оғриғи қолиб, ўзимни яхши ҳис эта бошладим. Бу, албатта, шифобахш сувнинг ижобий таъсири.*

Абдуғаффор Турдиев, Поп тумани, Хонобод қишлоғидан:

*— Уйқусизликка йўлиққан эдим, қолаверса, асабларим бўшашиб, ўзимни нохуш сезардим. "Оромбахш-газчи" санаторийси довруғини эшитгач, зора дардимга даво топсам, дея бу ерга келдим. Врачлар тайинлаган барча муолажаларни қабул қилганимдан сўнг дармонсизликдан қутулдим. Энг қувончлиси, меъёрида ухлайдиган бўлдим. Шифокорлар хизматидан мамнунмиз.*

Бундай илиқ сўзларни кўплаб беморлардан ҳам эшитдик. Уларнинг аксарияти сиҳатгоҳдаги шифобахш сувнинг инсон саломатлиги учун нақадар фойдали эканини ўз ҳаётлари мисолида изҳор этишди. Шифокорлардан ҳам мамнун эканликларини билдиришди. Тажрибали кардиолог Турсунпўлат Рустамов, ҳамширалардан Салбархон Иброҳимхўжаева, Гулнора Содиқова ва Дилфуза Отахонова сингари шифокорлар даволанувчиларнинг юксак ҳурматига сазовор бўлишган.

— Одамлар дардига шифо бағишлаш, бу — масаланинг бир томони, — дейди биз билан суҳбатда "Оромбахш-газчи" санаторийси МЧЖ бошқарувининг раиси Зоҳиджон Тожибоев. — Уларга хушкайфият ато этиш, бўш вақтини намунали ўтказиш зарур. Биз ўз фаолиятимизда ана шуларга ҳам катта эътибор қаратганмиз. Асосий бинолар атрофида боғ яратилган. Мижозлар унда сайр қилишади. Ўрик, гилос, олма, хурмо дарахтларининг меваларидан, токзоримизнинг ширин-шакар узумидан истеъмол қилишади. Иккита иссиқхонада лимон ва кўкатлар етиштирилади. Асаларичилик ва деҳқончилик билан ҳам шуғулланаяпмиз. Бўш майдонларда ошхона эҳтиёжи учун помидор, картошка ва бошқа сабзавот маҳсулотлари етиштирилади. Мижозларга қулай бўлиши учун дарвоза олдида озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи минимаркет ва дорихона очганмиз. Даволанувчилар кабелли телевидение хизматидан баҳраманд бўлишади. Сиҳатгоҳда клуб ҳам мавжуд. Унда турли тадбирлар ўтказилади. Мижозларимизни даволаш ва уларнинг мароқли дам олишини таъминлаш доимо диққат-эътиборимизда.

**Эркин ҚАМБАРОВ.** [t]



# Хамал ва амал

**Кайфият**

Тонг-ла туриб, баҳорий кайфият билан атрофга кўз югуртирарканман, қўққисдан улуғ шоиримизнинг гўзал ташбеҳлари ёдимга келади:

***Саҳар ховар шаҳи***
***чарх узраким***
***хайлу хашам чекти,***
***Шиоъи хат била***
***кўҳсор узра***
***олтун алам чекти...***

Саҳар пайти Шарқ шоҳи, яъни қуёши олам узра гўзаллик таратди, шиоъи хат — нурли шуълалар ёзуви тоғлар узра олтин аламларни тортиб кела бошлади. Ушбу байт мафтункор ва шу билан бирга, гўзал ташвишларнинг ифодаси янглиғ қалбимда аллақандай сирли туйғуларни уйғотади.

Ўлкамизда баҳор... Чор-атроф дарахтларнинг очилган ғунчалари каби гўзал. Гулли ҳаволарни симириб тўймайсан...

Шунда бир ғалати шубҳа шууримда ялтиллайди: баҳор эрта келмадимикан, ишқилиб?! Куздан бери ёғавериб, ўзимизники бўлиб қолган ёмғирлар остида пучмоқларнинг очилиши беадад лаззат бергандек. Зотан, баҳор ўлкамизга беун кириб келди: момақалдироқнинг асъасасию долғали булутларнинг васвасаси йўқ. Устига устак, кузги ёмғирларнинг давоми ўлароқ, баҳорги қор (эскилар бу ҳолни "сариқ қор" дейишади) бизни қаршилади. Кенгликлар яшилликка бурканиб улгурмай, кўклам қуёши ҳали қиздирмай туриб, қишнинг ҳазин хўрсинишлари билан хайрлашдик. Ҳа, дарвоқе, форсийда "Саду як рўз" деган ибора бор. У ушбу йилга тўғри келар экан. Тўқсон кунли қишнинг якунида, яъни юзинчи кунида қор ёғса шундай дейиларкан. Фақат бундан эндигина хавотир билан мўралаб, шошилмай очилаётган ўрик гуллари хижолат чекди.

Халқимизда "Ҳамал келди, амал келди" деган нақл бор. Ҳамал Наврўзни эргаштириб келиши билан яна мудроқ кайфиятлар ишчан тус олади. Баҳорий, завқли ташвишлар бошланади. "Қиш ғамини ёзда енг!" деганларидек, кузнинг ташвиши баҳор билан эшик қоққанда билинади. Ҳосилдан умидвор деҳқон қанча тез амалга киришса, кўнгли ҳам, уйи ҳам шунча тинч бўлади.

Хуллас, баҳор келди, дўстлар, яна бир гўзал баҳор келди...

**Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ.**

**Спорт**

***Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар уйида ўзбекистонлик биринчи гроссмейстер Георгий Аъзамов хотирасига бағишлаб ўтказилган "Tashkent-Open" IV халқаро турнири ўз якунига етди.***

# «Tashkent-Open» совриндорлари

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мазкур халқаро турнирнинг нуфузи йил сайин ошиб бормоқда. Илк бор ташкиллаштирилган мусобақада етти давлатдан шахматчилар қатнашган эди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Республика шахмат федерацияси ҳамкорлигида ўтказилган навбатдаги беллашувда ўндан ортиқ мамлакатдан келган 130 нафарга яқин "ақл гимнастикаси" усталари дона сурди.

Тўққиз турдан иборат халқаро турнир қизиқарли, кескин ва муросасиз курашлар остида ўтди. Сўнгги партия натижасига кўра, бош совринга еттитадан очко жамғарган бир йўла тўрт шахматчи даъвогарлик қилди. Қўшимча кўрсаткичлар бўйича россиялик гроссмейстер Максим Туров ғолиб деб топилди. Беларуслик Сергей Жигалко ва қозоғистонлик Ринат Жумабоев иккинчи, учинчи ўринларни банд этишди.

— Биринчи ўринни эгаллаш учун кураш осон кечгани йўқ, — дейди М. Туров. — Ўзбекистонда ушбу спорт турини ривожлантиришга жуда катта эътибор берилаётган экан. Ҳеч шубҳа йўққи, бундай шароитларда юртингиздан Рустам Қосимжонов сингари кўплаб шахматчилар етишиб чиқади.

Шуни айтиш жоиз, бундай нуфузли халқаро мусобақаларни мамлакатимизда ташкиллаштириш ёш иқтидор эгалари учун ҳам маҳорат мактаби вазифасини ўтамоқда. Халқаро гроссмейстеримиз Андрей Квон ва яқинда ўн тўққиз ёшга тўлган шахматчимиз Акмал Файзуллаев совриндорлардан бор-йўғи ярим очко кам жамғаришди.

Акмал йигирма ёшгача бўлган иштирокчилар ўртасида энг яхши натижага эришгани учун ташкилотчилар томонидан махсус соврин билан тақдирланди. Шунингдек, ўн беш ёшли шахматчимиз Жаҳонгир Воҳидов ҳам ўз ўйинлари билан мутахассисларда яхши таассурот қолдирди.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Болаларнинг улғайиши, дунёни англаши, ўз атрофидаги воқеа-ҳодисаларга муносабати шаклланишида ўйинчоқларнинг ўрни ва аҳамияти катта. Қолаверса, ўйинчоқлар воситасида боланинг тасаввури бойийди, онги, ақл-идроки ўсади, ҳис-туйғулари камол топади.***
***Сир эмас, бугун дўкон пештахталари, бозор расталарига терилган ўйинчоқларнинг кўплигини кўриб, кўзингиз қамашиб кетади. Хўш, уларнинг барчаси ҳам ёш авлод камолоти учун хизмат қилаяптими? Умуман, бундай воситаларнинг зарарли оқибатлари нималарда намоён бўлади?***

# МАЪНАВИЯТ ВА САЛОМАТЛИККА ТАҲДИД

## Мамлакатимизга ноқонуний равишда олиб келинаётган сифатсиз ўйинчоқлар фарзандларимизга ҳам жисмонан, ҳам руҳан зарар етказиши мумкин.

**Таассуф**

— Бола ўйинчоқларни уни қуршаб турган дунёнинг кичик нусхаси сифатида идрок этади, — дейди психология фанлари номзоди, доцент Феруза Акрамова. — Улар воситасида "ташқи олам"даги ўзи учун жумбоқ бўлган нарса-ҳодисаларни англашга ҳаракат қилади. Зотан, бола учун бу даврдаги бирламчи англаш-ўрганиш воситаси бу — тақлид. Шундай экан, бугун фарзандларимизга қандай ўйинчоқ олиб бераётганимизга кўра, уларнинг келажагини, эртанги маънавий камолотини қисман тасаввур қилишимиз мумкин. Ваҳолонки, турли қурол-яроғлар, жангариликни, безорилик ва бузғунчиликни ифодаловчи мультфильм ва кинофильмлар қаҳрамонлари акс этган ўйинчоқларни ўйнаб вояга етаётган фарзандларимизнинг онгида, қалбида, дунёқарашида салбий ўзгаришлар юз бериши ва бу вақт ўтиши билан ёмон асоратларни келтириб чиқариши илмий нуқтаи назардан асослангандир. Таассуфки, бугун бозору дўконларимизда сотилаётган ўйинчоқлар орасида ана шундай миллий менталитетимизга ёт, ёш авлоднинг онгу шуурига рахна солувчи турдагилари жуда кўп. Биргина қўғирчоқларни олиб кўрайлик. "Барби" деб аталувчи бундай қўғирчоқлар ташқи кўринишиданоқ инсонни ҳайратга солади: гавдаси, либослари, соч турмаги, безаклари ва бошқа жиҳатлари балоғат ёшидаги қизни эслатувчи бундай қўғирчоқлар қизалоқларимиз учун қандай ибрат, намуна бўла олади? Ана шу ўй-фикрлар хаёлимиздан ўтар экан, ёш авлод камолотига таҳдид солаётган юқоридаги сингари ҳолатлар келиб чиқишига айнан биз, катталар сабабчи бўлаётганимизни тан олмай иложимиз йўқ.

Маълум бўладики, фарзандлари учун ўйинчоқ харид қилаётган ота-оналар бу масалага жиддий эътибор қаратишлари жоиз. Бу — масаланинг бир томони. Яна бир жиҳати шундаки, ҳозирда турли хорижий давлатлардан ноқонуний равишда мамлакатимизга олиб кирилаётган айрим ўйинчоқлар болаларнинг нафақат маънавий камолотига, балки саломатлигига ҳам жиддий таҳдид солмоқда. Негаки, бундай ўйинчоқларнинг шакл-шамойилигина эмас, тайёрлаш технологияси, кимёвий таркиби, гигиеник сифати ҳам салбий таъсирга эга. Чунончи, ушбу ўйинчоқлар таркибидаги зарарли кимёвий моддалар сўлак безлари орқали гўдак организмига сўрилади ва танани заҳарлайди.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳозир дунё бозорларида сотилаётган қарийб 60 фоиз ўйинчоқлар тегишли сифат назоратидан ўтмаган. Шундай экан, уларни харид қилишда кимёвий таркибига жиддий эътибор қаратиш лозим бўлади. Масалан, ўйинчоқдан ўткир кимёвий ҳид таралдими, демак, улар экологик зарарли. Яна ҳам аниқроқ айтганда, бу ҳолат бўёқ таркибида зарарли кадмий ва қўрғошин моддалари мавжудлигини англатади. Қолаверса, хориждаги айрим корхоналар томонидан ўйинчоқлар ишлаб чиқаришда сифатсиз пластмасса ва резина хом ашёларидан фойдаланилаётгани, ҳатто баъзан улар таркибига зарарли кимёвий элементлар қўшилаётганига нима дейсиз. Бу ҳам етмагандек, мустаҳкам бириктирилмагани боис ўйинчоқдаги майда бўлаклар болакайлар оғзидан тана ичига ўтиб кетиши хавфи ҳам мавжуд. Ваҳолонки, ўйинчоқлар таркибидаги оғир металлар энди шаклланаётган бола организмида турли жароҳатларни келтириб чиқариши тиббиёт мутахассислари томонидан исботланган.

Давлат божхона қўмитасининг Марказий божхона лабораторияси экспертлари томонидан ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ўйинчоқнинг рангига кўра, унинг хавфлилик даражасини аниқлаш мумкин. Масалан, ўйинчоқларнинг ноодатий ва табиий бўлмаган, хусусан, ўта ёрқин ва тўқ рангларда бўлиши уларнинг таркибида зарарли кимёвий моддалар — кадмий ва қўрғошин сероблигини англатади. Бўёқ таркибида учрайдиган формальдегид, фенол, феноксил, метил, изобутират каби заҳарли моддаларнинг даражаси баъзида 30 фоизгача етади. Айниқса, бундай ҳолатлар кичик ёшдаги болакайлар ўйинчоқларида кўп учрайди. Ваҳолонки, бола болалигига бориб, унинг мазасини татиб кўргиси келади. Оқибатда заҳарли моддалар жигар, ошқозон-ичак, буйрак йўлларига тушади ва ҳали тўла шаклланмаган бола организмига секин-аста салбий таъсирини ўтказа бошлайди: турли тошмалар, шишлар каби аллергик хуружлар кузатилиши мумкин. Қолаверса, бу турдаги ўйинчоқлар боланинг кўриш қобилиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Яроқсиз ўйинчоқлар билан ўйнаш оқибатида болада кўнгил айниши, кўз остининг кўкариши, ланжлик ҳолатлари келиб чиқиши мумкин.

Ушбулар ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз, мўмай даромад илинжида фарзандларимизнинг саломатлиги, маънавий камолотини инобатга олмаётган айрим "тадбиркор"ларнинг хатти-ҳаракатларидан таажжубга тушамиз. Энг ёмони, фақат нафсини ўйлаган кимсалар ўз қилмишлари оқибатини била туриб, қачон, қаерда ва қай усулда ишлаб чиқарилгани номаълум, сифатини тасдиқловчи ҳеч бир ҳужжати бўлмаган яроқсиз ўйинчоқларни мамлакатимиз ҳудудига олиб киришга уринмоқдалар.

Бу борада республикамиз божхоначилари томонидан кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида фош этилган қонунбузарлик ҳолатлари ҳам сўзимизга яққол мисол бўла олади.

Масалан, Навоий вилояти божхоначилари томонидан Қорақалпоғистон Республикасига йўл олган "Мерседес-Бенц" русумли автобус тўхтатилиб, божхона назоратидан ўтказилди. Натижада йўловчи М. Джайлихановнинг қиймати салкам 1,5 миллион сўмга тенг, 1368 дона ўйинчоқларни тегишли ҳужжатларсиз олиб кетаётганлиги аниқланди.

Шу ўринда савол туғилади: яроқсиз ўйинчоқларни ўз манзилига етказиб, уларни пуллашга уринган сохта тадбиркорнинг қинғир ниятини тушуниш мушкул эмас. Бироқ ҳеч бир ҳужжати бўлмаган катта миқдордаги ноқонуний молларни автобусга юклаб, уларни божхона назоратидан "кафолатли" олиб ўтишга бел боғлаган автоулов ҳайдовчилари-чи? Наҳотки, қинғир ишнинг фош бўлиши ва бунинг учун қонуний жазо қўлланиши мумкинлиги уларни ташвишга солмаса?!

Қўрғонтепа туманидаги айланма йўл орқали юкларини яширин тарзда олиб ўтишга уринган "тадбиркор" ҳам андижонлик божхоначилар нигоҳидан четда қолмади. Қонунбузар божхона ва чегара қўшинлари ходимлари кузатаётганини пайқаб қолгач, қўшни давлат ҳудуди томон жуфтакни ростлаб қолди. Қолдирилган юклар ўрнатилган тартибда кўздан кечирилганда, у ерда қиймати 1,5 миллион сўмдан зиёд, Хитой давлатида ишлаб чиқарилган 4030 дона турли ўйинчоқлар борлиги маълум бўлди. Пахтаобод туманилик қонунбузар томонидан "ташлаб кетилган" юклар ҳам болалар ўйинчоқлари бўлиб чиқди. Сифати кафолатланмаган 4142 дона ушбу ўйинчоқларнинг қиймати 1 миллион сўмдан зиёд экан.

Ана шундай тезкор чора-тадбирлар кўрилишига қарамай, ноқонуний молларни мамлакатимиз ҳудудига олиб ўтаётган кимсалар ҳам йўқ эмас. Андижон вилояти божхоначилари ҳамда ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралар вакиллари Қўрғонтепа туманида яшовчи фуқаро Х. Толибоевнинг хонадонини текшириш жараёнида шунга амин бўлдилар. Натижада бу ерда юртимизга яширин йўллар билан олиб кирилган ва божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган салкам 14,5 минг дона, 19 турдаги болалар ўйинчоқлари ноқонуний равишда сақланаётганлиги фош этилди.

Умуман, ўтган 2009 йилда республикамиз божхоначилари томонидан яроқлилигини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган, қиймати 186 миллион сўмдан зиёд қарийб 280 минг дона болалар ўйинчоқларининг юртимизга ноқонуний равишда олиб ўтилишига чек қўйилди. Демак, бу орқали қанча-дан-қанча оила фарзандларининг саломатлиги, маънавий камолотига таҳдид соладиган хавф-хатарнинг олди олинди, дейиш мумкин.

Бугун замон шиддат билан тараққий этаяпти. Тараққиётга эса ғов қўйиб бўлмайди. Шу маънода турли мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган бундай "хавфли" ўйинчоқларни ҳар қанча уринмайлик фарзандларимиз кўзидан пана қилишга тўлиқ муваффақ бўла олмаслигимиз табиий. Шундай экан, олдимизда муаммонинг оқилона ечимига олиб борувчи йўл бор: ўйинчоқ танлашда адашмайлик.

**Фаррух БЎТАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 303. 53486 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t] -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 22.30 1 2 3 , 5